

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ҚАНДОВ БАҲОДИР МИРЗАЕВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по философским наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Қандов Баходир Мирзаевич

Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили5

Қандов Баходир Мирзаевич

Социально-философский анализ прав человека в процессе глобализации.....25

Kandov Bakhodir Mirzayevich

Socio-philosophical analysis of human rights in process of globalization.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ҚАНДОВ БАҲОДИР МИРЗАЕВИЧ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Fal486 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тўйчиев Бердикул Тўракулович фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович фалсафа фанлари доктори, профессор Абдухолиқов Сафар Окназарович фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» декабрь соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-кават, 117-хона.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (119 рақам билан рўйхатга олинган.). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-кават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «11» декабрь да тарқатилди.
(2020 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)



Н.А.Шермухамедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

А.У.Маҳкамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

Г.Т.Махмудова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамияти глобал иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, технологик ҳамкорликнинг янги босқичига ўтмоқда, бу давлат бошқаруви тизимида инсон ҳуқуқларининг ҳимоясининг янги механизмларини яратиш эҳтиёжини оширмоқда. Чунки, баъзи давлатларда инсон ҳуқуқлари ҳимояси тўлиқ таъминланаётган бўлса, баъзи давлатларда тенгсизлик, адолатсизлик кучаймоқда, аҳолининг урбанизацияси, миграцияси ва АҚШда ирқчилик кескинлашмоқда. Бу эса, халқаро ҳамкорлик ривожланган давлатларнинг диалоги асосида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича консенсус (муроса)га эришиш, “Инсон ҳуқуқлари” умумжаҳон декларациясига ўзгартиришлар киритишнинг усул ва воситаларини такомиллаштиришнинг аҳамиятини оширмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг йўналишлари хусусан, яшаш ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, соғлиқнинг муҳофазаси, гендер тенглиги ҳуқуқи ва шу кабиларнинг тарихи ва замонавий кўринишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу тадқиқотларнинг самаралари ижтимоий амалиётда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг барча жиҳатлари белгиланган ва унга амал қилинмоқда. Зеро, “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига амал қилишни таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусияти”¹ эканлиги учун инсон ҳуқуқларининг ҳимояси миллий тараққиётни таъминлаш омили сифатида долзарб аҳамиятга эга. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда 2008 йилда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсоннинг “яшаш ҳуқуқи” ҳимояси, жиноятчиларни авф этиш ва иш билан таъминлаш, жазо муддатини ўташ жойларида (қамок) сиртқи ўқиш имкониятининг берилиши улар эркинлигининг ҳимояси, турли ёшдаги аҳолининг кундузги, сиртқи ва кечки таълим олиши учун шароитларнинг яратилиши, арзон ва қулай уйлар лойиҳаси доирасида ёш оилаларни уй билан таъминлаш, репродуктив саломатликни тўғри ташкил этиш учун тиббиёт ходимларининг патронаж хизматининг ташкил этилиши уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш ҳуқуқининг ҳимояси сифатида намоён бўлмоқда. Айни пайтда жамият аъзоларининг ўз ҳуқуқларини билмаслиги ёки уни суистеъмол қилиши, шунингдек, раҳбар кадрларнинг инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашда муайян лоқайдлик ҳам кузатилмоқда. Шу нуқтаи назардан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясининг амал қилиш механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

¹ Мирзиёев Ш. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. – Б.115.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сон “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ-562-сон “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли дастурнинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш борасидаги қарор ва фармонлари, инсоннинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган фикр-мулоҳазалари ва илмий-назарий хулосалари ушбу тадқиқотнинг норматив ва назарий асоси бўлди.

Жамият мавжудлиги ва ривожини асосини маданий борлиқ ташкил этади². Маданий борлиқнинг конкрет тарихий ҳудудий макон ва вақтдаги кўринишлари цивилизациялар, яъни ўз фуқаро ва давлатларига эга мамлакатлар ташкил этади. Ўзбекистон ўз давлати ва фуқароларга эга мамлакатдир³. Шунинг учун цивилизациянинг ёндашув тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилди.

Инсон ҳуқуқлари – инсон шахси ва турмушининг таркибий қисми. Шу боис, инсон ҳуқуқи, унинг эркининг ҳимояси барча даврларда диний, ахлоқий, фалсафий, ижтимоий диалогнинг бош мавзуси бўлган. Хусусан, “Авесто” китобида “ҳар жиҳатдан ва ҳамма муносабатларда уйғунликка эришиладиган, уюшган, гуллаб-яшнаётган жамият барпо этиш”⁴ ғояси илгари сурилган. Қадим юнон мутафаккирлари Протагор, Ликофрон ва қадим

² Абдуҳолиқов С. Виждон эркинлиги: методологик муаммолари. – Тошкент: “Фан”, 1997.

³ Қаранг: Турдибоев Б. Ижтимоий тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари. – Тошкент: “EXTREMUM PRESS”, 2011.

⁴ Safa-Isfahani N. Rivayat-i Nemat-i Asawahistan: A Study in Zoroastrian Law (Harvard Iranian Ser). – Cambridge, 1980. Vol. 2. – P.1.

Хитой донишманди Конфуцийнинг сиёсий, ҳуқуқий таълимотларида инсон ҳуқуқларини тушуниш учун одамларнинг табиий тенглигининг зарурияти асосланган. Хитой файласуфи Конфуцийнинг «қилмишларнинг асослари ва тамойилларини ўргансанг, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги фикрларинг (ахлоқий билимлар) баркамолликнинг энг сўнгги даражасига етади»⁵, - деган фикри глобаллашув шароитида оила ва дунёда тинчликни сақлаш, яшаш ҳуқуқи ҳимоясини намоён этади.

Шарқ мутафаккири Берунийнинг “Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир”⁶, деган фикри, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита табиий муҳит таъсирида шаклланишининг далолатидир. Ал Фаробийнинг “Инсон шундай махлуқотки, у фақат жамиятда ўз эҳтиёжларини қондириши ва олий маънавий даражага кўтарилиши мумкин”⁷, - деган ғояси маънавий камолот ҳуқуқий эркинлик омили эканлигига ишорадир.

Ҳозирги даврда глобаллашув жараёни ва у билан боғлиқ муаммолар, глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жаҳоннинг турли соҳадаги етакчи олим ва мутахассислари диққат марказида бўлиб келмоқда⁸. АҚШ олими Т.Левитт фикрича “глобаллашув трансмиллий корпорацияларнинг умумий фаолиятини бирлашган тарзда товар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнларидир”⁹, бу фикрни Ўзбекистон олими Б.Умаров қўллаб-қувватлаган¹⁰. А.Печчеи “Табиат – инсон – жамият – техника глобал тизимини тотал тизим”¹¹ деб ҳисоблайди ҳамда илмий-техник кашфиётлар ва инсоннинг очкўзлиги туфайли ер юзида глобал инқирозлар юзага келганини асослайди.

1980-2010 йилларда глобаллашув жараёнларини ўрганиш кенгайди. Япониялик Тамоцу Аоки ва Я.Кайа, А.Эрерри (Аргентина), Х.Линнеман (Голландия), хитойлик Ань Вэй, Яньсянь Янь ва Синь-Хуань Майкл Сяо, АҚШлик В.Леонтьев, Д.Дэвисон Хантер, С.Хантингтон, З.Бжезинский, Р.Хиггинс, Г.Кан, У.Браун, Л.Мартел, Ж.Саймон, Н.Ж.Розану, П.Ж.Бьюкенен, туркиялик Э.Озбудун каби тадқиқотчилар ўз қарашларини китоблар ҳолида чоп эттирадилар¹². Хусусан, Я.Кайа глобаллашув жараёнларида нафақат ижтимоий-иқтисодий интеграция, балки информация ва ахборотлашувнинг таъсирида миллий маданий бойликларни, миллий ўзига

⁵ Будда. Конфуций. Жизнь и учение. – Москва: “Наука”, 1995. – С.139.

⁶Беруний А. Танланган асарлар. 1 жилд. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.16-17.

⁷Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2015. – Б.69

⁸Ушбу муаллифлар асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да берилган.

⁹Қаранг: Мировая экономика и международные отношения. – Москва: 1998. № 1. – С. 13.

¹⁰Қаранг: Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – Б. 8.

¹¹Қаранг: Печчеи А. Человеческие качества. – Москва: «Прогресс», 1980. – С. 40. ва бошқалар.

¹²Ушбу муаллифларнинг қарашлари ва илгари сурган концепциялари куйидаги асарларда берилган. Қаранг: Глобалистика. Международный междисциплинарный энциклопедический словарь. – Москва: Санкт-Петербург, – Нью-Йорк, 2006; Global Studies Encyclopedic Dictionary / ed. by A. N. Chumakov, I. I. Mazour, W. C. Gay. Amsterdam; New York, NY: Editions Rodopi B. V., 2014; Многоликая глобализация. – Москва: Аспект-Пресс, 2004; Бежинский З. Великая шахматная доска. – Москва: «Межд. отношение; 2015.

хосликни асрашни, А.Эррери эса, Америка қитъасининг жаҳон бозоридаги ўрни, глобаллашувда АҚШнинг етакчилигига таъсир этган омилларни тадқиқ қилган. Ж.Бьюкенен глобаллашув жараёнларига объектив реаллик сифатида қараса-да, АҚШ ва Европага оқиб келаётган миграция Ғарб цивилизациясига хавф солади, ҳатто “Ғарбнинг ўлимига сабаб бўлади” деб ҳисоблаган¹³. Ж.Сороснинг глобаллашув ҳақидаги фикрлари американизм ғоясига қурилган, у фақат АҚШ глобал фуқаролик жамияти қуриши мумкин, деб ҳисоблайди¹⁴. Бу эса, инсоният тараққиётида алоҳида давлатнинг гегемонлигига даъватни намоён этади.

Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ҳимояси МДҲ, хусусан Россия файласуфлари, социологлари, сиёсатшунослари И.И.Мазур, А.Н.Чумаков, О.А. Кармаданов, И.Б.Левин, А.И.Уткин, А.А.Зиновьев, И.Бестужев-Лада, М.Г.Делегин, А.С.Панарин, М.В.Ильин, С.П.Капица, В.А.Красильшиков, Г.А.Зюганов, С.Караганов каби олимларнинг монографияларида асосланган. И.И.Мазур ва А.Н.Чумаков глобалистиканинг деярли барча йўналишлари ва ҳозирги дунёда реал воқеликка айланиб бораётган жиҳатларини, шунингдек, унга қарши бўлган аксил глобалчилар ҳаракатларини қамраб олган халқаро энциклопедик луғатини нашр этган¹⁵.

Ж.А.Керимов, С.А.Алексеев, В.С.Нерсисянц¹⁶ каби олимларнинг тадқиқотлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ижтимоий-назарий асосларини ишлаб чиқишда назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё олимлари ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича қатор илмий изланишлар олиб борганлар. Хусусан, Тожикистон олимлари шу жумладан А.Х.Бобоев, З.Х.Искандаров, Г.Б.Санавваров, Б.А.Сафаров¹⁷ ва бошқалар ўзларининг тадқиқотларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини институционал ҳимоя қилишни фақат билвосита ва қисмларга ажратилган ҳолда кўриб чиққанлар. Мисол учун, Д.С.Сафаров ислом ҳуқуқий маданияти контекстида инсон ҳуқуқлари ва глобализация¹⁸ мавзусида номзодлик диссертациясини, Х.А.Воситов Тожикистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг маданий-цивилизациявий асослари¹⁹ мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, Д.С.Рахмон

¹³Қаранг: Бьюкенен П.Ж. Ғарбнинг ҳалокати // Жаҳон адабиёти, 2007. 1-сон. – Б. 12-39.

¹⁴Сорос Ж. О глобализации. – Москва: «Эксмо», 2004. – С. 212.

¹⁵Қаранг: Глобалистика. Международный междисциплинарный энциклопедический словарь. – Москва: Санкт-Петербург, – Нью Йорк, 2006;

¹⁶ Керимов Д.А. Философские основания политико-правовых исследований. – Москва: «Мысль», 1986; Алексеев С.С. Право: азбука – теория – философия. Опыт комплексного исследования. – Москва: Статус, 1999; Нерсисянц В. С. Хуқуқ фалсафаси. – Тошент: “Адолат”, 2003. (рус тилидан таржима Д.Бегимкулов)

¹⁷ Қаранг: Бобоев А.Х. Конституционно-правовое регулирование статуса человека и гражданина в Республике Таджикистан. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2011. 167 с.; Искандаров З.Х. Конституционно-правовые основы защиты прав человека и гражданина в уголовном процессе Республики Таджикистан. Душанбе, 2008. 181 с.; Санавваров Г.Б. Становление и развитие административно-правового статуса общественных объединений в Республике Таджикистан : дис. ... канд. юрид. наук. М., 2015. 167 с.; Сафаров Б.А., Ойев Х.О. Механизмы защиты прав человека и гражданина в Республике Таджикистан (на тадж.яз.). Душанбе, 2013. 256 с.

¹⁸ Сафаров Д.С. Права человека и глобализация в контексте исламской правовой культуры: история и современность. Автореф. дисс... канд. юридич. наук. – Душанбе, 2012.

¹⁹ Воситов Х.А. Цивилизационно-культурные основания институциональной защиты прав человека в Республике Таджикистан. Автореферат дис. ... канд. юрид. наук. – Москва: 2019.

глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари²⁰ мавзусида мақола нашр қилган. Қозоғистонлик ҳуқуқшунос олимлар А.Т.Ащеулов М.Сулейменов Қозоғистон Конституцияси ва фуқаролик кодексида фуқаро ва инсон ҳуқуқлари номли дарслик, Қозоғистон: инсон ва фуқаролар ҳуқуқига оид монография нашр қилган²¹, Н.Шайкенов А.А.Тасбулатов шахсий ҳуқуқ бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган²², Р.Я.Бакиев Туркманистон фуқароларининг мулк ҳуқуқи²³, А.М.Джумагулов, У.М.Мукамбаев, С.С.Сооданбекова, С.Н.Адилова, С.Т.Тургунбаев²⁴ Қирғизистон Республикасида фуқаролар ҳуқуқининг ҳимоясига оид илмий монографиялар нашр этган, диссертациялар ҳимоя қилган.

Шунингдек, глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жаҳоннинг турли соҳадаги нуфузли институтлари, илмий марказларида хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) халқаро ташкилоти, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия (2006 йилдан кейин Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноят ва адолатни ўрганиш бўйича минтақаларо институти, Аёллар ҳуқуқлари уюшмаси (Association for women rights in development). Глобал ҳуқуқлар (Global rights) ташкилоти, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди каби ташкилотларда инсон ҳуқуқлари таъминланишининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатларини очиқ бериш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда глобаллашув жараёнларининг маданий тараққиётга таъсири С.Отамуродов, С.О.Абдухолиқов, В.А.Алимасов, Ш.О.Мамадалиев, Б.Т.Тўйчиев, Н.А.Шермухамедова, Ф.А.Мусаев, К.Раббимов, А.Турсунов каби олимларнинг монография, дарслик ва илмий тадқиқот ишларида очиқ берилган²⁵. Файласуф олим С.Отамуродов “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси миллий хавфсизлик таъминлансагина амалга ошади”²⁶, деб тўғри таъкидлайди. Файласуф олима Н.А.Шермухамедованинг “Фалсафа” дарслигида “Идеал муносабатлар қонунига одамлар ўртасида,

²⁰ Рахмон Д.С. Право человека в условиях глобализации: универсализм и релятивизм в праве. // Право человека: история, теория, практика. – Душанбе, 2016.

²¹ Қаранг: Конституционное право Республики Казахстан: Учебник. Сост. А.Т. Ащеулов. - Алматы: КазГЮА, 2001. Сулейменов М. Права человека и гражданина в конституции и в гражданском кодексе Республики Казахстан. – Алматы: 2006; Казахстан: права человека и гражданина. – Алматы, 2011. online.zakon.kz

²² Шайкенов Н.А. Правовое обеспечение интересов личности. Автореф.дисс...д.ю.н. – Алматы: 1992.; Тасбулатов А.А. Правовой механизм обеспечения и защиты политических прав ребенка в Республике Казахстан. PhD по специальности «Юриспруденция». – Нур-Султан, 2020.

²³ Бакиев Р.Я. Право собственности граждан Туркменистана. – Ашгабат, 1996.

²⁴ Джумагулов А. М. Правовой статус личности осужденных к лишению свободы в Кыргызской Республике. Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Бишкек., 2001. Мукамбаев У.М. Конституционное развитие Кыргызстана. – Бишкек, 1998. – 498 с.; Сооданбеков С.С. Конституционное право Кыргызской Республики. - Бишкек, 1999.; Тургунбаев С.Т. Формирование правового государства в Кыргызской Республике. – Бишкек: 2006.

²⁵ Қаранг: Турсунов А. Глобаллашув жараёнида хавфсизликни таъминлаш // Жамият ва бошқарув, 2005. 3-сон. – Б. 50-53; Раббимов К. Сиёсий партиялар: глобаллашув шароитида локал фикрлаш // Фуқаролик жамияти, 2005. 3-сон. – Б. 26-29. Тўйчиев Б.Т. Ҳуқуқ фалсафаси. – Тошкент: 2004. – Б. 145-165.

²⁶ Отамуродов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. – Тошкент: 2018.

оила, жамият, давлатда риоя қилиши лозим бўлган қонунларни билиш ва уларга риоя қилиш инсон ҳаётининг муҳим маъноси ҳисобланади”²⁷, - деган фикри инсон ҳуқуқлари қонун ижросини таъминлашдаги масъулиятга ишорадир.

Ҳуқуқшунос олимлар Ҳ.Раҳмонкулов, Ҳ.Б.Бобоев, А.Х.Саидов, У.Б.Тожиҳанов, З.Н.Исломов, Х.Т.Одилқориев, Ш.З.Ўразаев, А.Турсунов, Э.Умароҳунов, Б.И.Исмоилов, А.Қосимов, Г.Неклесса, А.Раҳмонов глобаллашув шароитида Ўзбекистонда ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, халқаро ҳуқуқнинг ижтимоий-миллий маконга имплементацияси, халқаро шартномаларга амал қилишнинг юридик механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот олиб борган.

Тадқиқот жараёнида хориж ва Ўзбекистон олимларининг асарлари, мақолалари ва ёндашувларининг таҳлили глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлаш етарли асосланмаганлиги аниқланди. Масалан, Қирғизистонда инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларининг ҳимоясига бағишланган бирорта монография ёки илмий тадқиқот иши йўқ, А.Акунова, А.М.Джумагулова, У.М.Мукамбаев, С.С.Сооданбекова, С.Т.Тургунбаевнинг монография ва диссертацияларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бир ёқлама ёндашув кузатилади, Ўзбекистон олимлари инсон ҳуқуқларининг фалсафий, ҳуқуқий жиҳатларининг таҳлиliga эътибор қаратиб, унинг ижтимоий аҳамиятини етарли асосламаган, шу боис, ушбу диссертацияда глобал тараққиётга интилиш шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясининг ижтимоий аҳамияти очиқ берилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти тадқиқот иш режасининг ПЗ-20170930170 “Ўзбекистонда сувга муносабат, халқимизнинг экологик ва ижтимоий тафаккурининг янгилаш механизмлари такомиллаштириш” илмий лойиҳаси ва “Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий таҳдидларнинг намоён бўлиш хусусиятлари” мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашнинг дунёда тинчликни сақлашга йўналган халқаро аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ижтимоий тарихини ўрганиш ва уни глобаллашув жараёнларида такомиллаштиришнинг фалсафий аҳамиятини очиқ бериш;

инсон ҳуқуқлари амал қилишининг халқаро тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг миллий ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришнинг заруриятини асослаш;

²⁷Шермухамедова Н.А. Фалсафий антропология (Инсон ҳақидаги таълим) // Фалсафа. – Тошкент: “Noshir”, 2012. – Б. 575.

миллий ва халқаро ҳавфсизликни таъминланиши Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви кафолати эканлигини исботлаш;

глобаллашув шароитида ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрнини аниқлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти дунё ва Ўзбекистондаги глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмлари ва жараёнларидан иборатдир.

Тадқиқот предметини Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш амалиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий ўзаро алоқадорлик, тизимлилик, тарихийлик тамойиллари, анализ, умумлаштириш, гипотетик-дедуктив каби тадқиқот усулларида тарихни диалектик маданий тушуниш ва уни пировард мақсади – цивилизацион ёндашув доирасида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ижтимоий тарихий босқичлари таснифланган ва глобаллашув жараёнларида унинг амалиётга жорий қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг фалсафий аҳамияти очиб берилган;

инсон ҳуқуқлари амал қилишининг халқаро тажрибасини ўрганилган ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг миллий ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришнинг зарурияти асосланган;

миллий ва халқаро ҳавфсизликни таъминлаш Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг кафолати эканлигини исботланган;

глобаллашув шароитида ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрни аниқланган ва уларга амал қилишнинг усул ва воситаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янгиланаётган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш аҳоли турли қатламлари онгида давлат бошқаруви тизимида қонун устуворлигига амал қилинаётганлиги ва меҳнатнинг кадрланишига ишонч туйғусини шаклланишида намоён бўлган;

инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг самарадорлиги инсон капиталини мақсадли фаолиятга йўналтиришга, жамиятнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ундаги назарий-фалсафий хулосалардан глобаллашув жараёнларида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши,

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон ҳамжамиятига интеграциясига оид илмий тадқиқотларда, халқаро ҳуқуқ, халқаро шартномалар, миллий ҳуқуқ тизими, халқаро ҳуқуқ нормалари имплементациясининг амал қилинишига оид маърузалар, дастурлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги фалсафий таҳлил ва умумий хулосалардан миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириши, таълим тизимининг барча босқичларида инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид фанлар мазмунини бойитишда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили асосида:

инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ижтимоий тарихий босқичлари таснифланган ва глобаллашув жараёнларида унинг амалиётга жорий қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг фалсафий аҳамиятига оид илмий натижалардан «Ўзбекистонда сувга муносабат, халқимизнинг экологик ва ижтимоий тафаккурини янгилаш механизмларини такомиллаштириш» номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3613-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари суверен давлатлардаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда миллий-ҳуқуқ тизимнинг устуворлиги тўғрисидаги амалий тадқиқотларга назарий асос бўлган, гуманитар фанларнинг дастурлар мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

инсон ҳуқуқлари амал қилишининг халқаро тажрибасини ўрганилган ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг миллий ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришнинг зарурияти бўйича хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат Марказининг “Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга, миллий демократик тараққиётга таъсири” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Марказининг 2019 йил 7 ноябрдаги 1497-сон маълумотномаси). Эришилган натижалар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга хизмат қилиб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан “Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган дастурий вазибаларнинг муайян даражада амалга ошишига хизмат қилган;

миллий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг кафолати эканлигига доир хулосалардан ҳамда глобаллашув шароитида ҳуқуқий кадриятлар ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканалидаги “Такдимот” ва “Мавзу” кўрсатувлари сценарийларини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 21 октябрдаги 02-40-2186-сон маълумотномаси). Натижалар оммавий ахборот воситаларида миллий хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти ва

заруриятини тарғиб қилиш орқали, республика аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аҳоли тафаккурини бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 40 та республика илмий-амалий конференцияларида маърузаларда очиб берилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 64 та илмий иш нашр этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 15 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, 9 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 147 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ва унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти асосланган.

Диссертациянинг **“Глобаллашув жараёнларининг назарий-методологик асослари ва инсон ҳуқуқлари”** деб аталган биринчи бобида «глобаллашув» тушунчаси, глобаллашув жараёнларининг ижтимоий ҳаёт соҳаларига таъсири, ушбу жараёнлар билан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ўзаро муносабати асосланган.

Муаллиф, глобал муаммолар XX асрда пайдо бўлди деган умумий фикрни инкор этади ва бу жараён XV асрдаги саноат инқилоби билан бошланганлигини асослайди. Фикрини Фридрих Ницшенинг «Ҳокимиятга интилувчи ирода. Барча қадриятларни қайта баҳолаш тажрибаси», деб номланган китобида инсоният яратган барча қадриятлар – тил, дин, маданият, фан, ахлоқ «ўз қадрини йўқотмоқда»²⁸, ва бу инқироз янги қадриятлар билан алмаштирмоқда деган ғояси билан асослайди. Кейинчалик, бу инқирозларга О.Шпенглер «Европанинг сўниши» деб баҳо берган²⁹, Б.Рассел уларни умуминсоний, - фалсафий муаммога айланаётганини, В.И.Вернадский эса ноосферага таҳдид эканини асослаб берган. XX асрнинг 70-йилларига бу соҳадаги изланишлар янада кенгайди. «Рим клуби» президенти А.Печчеи, Д.Медоуз, Дж.Форрестер, Я.Кайа, А.Эррери,

²⁸Ницше Фр. Воля к власти. Опыт переоценки всех ценностей (1884-1888 гг.). – Москва: «ТОО Транспорт», 1995. – С.35.

²⁹Қаранг: Шпенглер О. Закат Европы. – Новосибирск, ВО «Наука», 1993.

Х.Линнеман, В.Леонтъев, Г.Кан, У.Браун, Л.Мартел, Дж.Саймон олиб борган изланишлар шулар жумласидандир. Ушбу тадқиқотчиларнинг чоп эттирган асарлари, монографиялари таъсирида замонавий глобал муаммоларга жаҳон миқёсидаги умумий иқтисодиёт, очик бозор муносабатлари, товар ва капиталларни мамалакатлардан мамлакатларга тез ўтиши, молиявий оқимларни либераллаштириш, умумсайёравий алоқалар (коммуникация), янги транспорт ва савдо-сотикда менежмент тизимлари киради, деган қарашлар шаклланди³⁰. Бу эса, «замонавий глобал муаммолар»нинг қамровини кенгайтиради.

Диссертацияда «глобал», «глобал демократия», «сиёсий глобалистика», шунингдек, «инсон ҳуқуқлари ҳақида пакт» тушунчалари қиёсий таҳлил этилган. Глобал жараёнлар умумсайёравий воқелик сифатида, демократия, инсон ҳуқуқлари кўпинча маълум бир ҳудудга, миллат ва шахсга тааллуқли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида таҳлил этилади. Шу тарзда умумий билан хусусий, бутун билан қисм ўртасидаги алоқалар тадқиқот предметиға айланади. Демак, глобаллашув фақат иқтисодий ҳаётга, трансмиллий корпорациялар фаолиятиға оид воқеликғина эмас, балки у инсон ҳуқуқлари ва демократияда ҳам намоён бўлиши асосланган.

Муаллиф, глобализм билан локализм ўртасидаги зиддиятларга ҳам баҳо берган, локализм шароитларида шаклланган «суверенитет», «аралашмаслик» каби қадриятлар ҳолати кучайиб бориши ёки умуман тан олинмаслигини асослаган. Чунки глобаллашув шароитларида катта ресурсларга эга ҳар бир маданият, цивилизация ўзини қутқаришнинг ягона шарти сифатида бошқа маданиятларни ҳам ўзлаштиришга интилган. Шу нуқтаи назардан муаллиф К.Раббимовнинг «бутун дунёда демократия бўлмас экан, бизнинг хавфсизликка таҳдид сақланиб қолаверади»³¹, деган фикриға қўшилади. Муаллиф фикрича, глобал жараёнлар умумсайёравий характерга эга ҳодисалар сифатида интеграция ва дезинтеграция, глобализм ва локализм, умумсайёравий ва ҳудудий, умуминсоний ва миллий каби мураккаб воқеликларни ўз ичига олади. Шунинг учун уларга тайёр таърифлар, моделлар ва мезонлар билан ёндашиб бўлмайди, глобал жараёнларга тааллуқли ҳар бир воқелик алоҳида тадқиқ қилиниши зарур.

Диссертацияда глобаллашув жараёнларининг ижтимоий-иқтисодий, экология, илмий-техника, тинчлик ва хавфсизлик, сиёсат, демография, миграция, ҳуқуқ соҳаларига таъсири асосланган.

Дарҳақиқат глобаллашув бозор иқтисодиётиға таянади ва у орқали халқаро иқтисодий алоқаларға таъсир этади. Масалан, XX аср бошларида Германия билан Англиянинг бошқа давлатлар ҳаётиға, айниқса иқтисодиётиға аралашган, Англия миллий даромадининг 52%, Германия эса

³⁰Қаранг: Печчеи А. Человеческие качества. - М.: «Прогресс», 1980; Friedman Th. Understanding globalization. The Lexuz and The Tree. -N.Y., 2000. – P.20-28.

³¹Раббимов К. Сиёсий партиялар: глобаллашув шароитида локал фикрлаш // Фуқаролик жамияти, 2005. №3. – Б.28.

38%ни ташқи савдога, ташқи иқтисодий алоқаларига сарфланган³². Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ «Маршал режаси» асосида Европа давлатларига миллий даромадининг 3%ни сарфлаган³³. Ушбу ёрдам иқтисодиётни, бозор муносабатларини шакллантиришга ва Европани модернизациялашга таъсир этган.

Муаллиф фикрича, глобаллашув миллий давлатлар иқтисодиётига ўзининг талабларини кўяди, яъни ички бозорлар очик бўлиши, янги технологиялар жорий этилиши, талаб ва эҳтиёжлар қонунига риоя этилиши, меҳнатга яраша ҳақ олиш тизими шаклланиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий талабларга жавоб бериши, трансмиллий корпорацияларнинг эркин фаолият олиб бориши таъминланиши, инвестициялар қўллаб-қувватланиши, валюталарни эркин ишлатилиши, ўзаро рақобат бўлиши, жаҳон бозорида иштирок этиш лозим. Ушбу талабларнинг субъектлари «глобал учлик» – (Шимолий Америка, Европа Иттифоқи ва Шарқий-Ғарбий Осиё иттифоқлари)дан иборат, чунки бу мамлакатлар технологик ресурс эгаларидир. Масалан, Европа Иттифоқининг Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш халқаро ташкилоти (2001 йил) ҳудудида дунё аҳолисининг ўндан бири яшайди, аммо улар жаҳон иқтисодиётидаги маҳсулотларнинг учдан икки қисмини ишлаб чиқаради ва халқаро банк тизимини, капитал ишлаб чиқарувчи жаҳон бозорини идора этади. Дунёда 70% илмий-техник кашфиётлар, янги технологиялар ва асосий иқтисодий тараққиёт ҳам шу ҳудуддадир. Бу эса, баъзи иқтисодий қолоқ давлатлардаги 1,5 млрд. кишининг оч-яланғоч яшашига сабаб бўлмоқда³⁴. Инсонпарварлик нуқтаи назаридан аҳолининг бир қисми (20%) ўта бой бўлиб, моддий неъматнинг 80% га эгалик қилиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ижтимоий адолат ўрнатиш зарурлигидан далолатдир. Бу ривожланган давлатлар тарғиб қилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш, либерализм тамойиллари ҳар доим ҳам глобал тараққиётга хизмат қилмаслигини, балки, аксинча улар ўртасида зиддиятлар борлигини кўрсатади.

Диссертацияда глобаллашув жараёнларининг Ўзбекистон ҳаёти ва тараққиётига таъсири очиб берилган.

XX асрда бошланган инқилоблар, технологик тараққиёт Ўзбекистон ҳаётига ҳам таъсир этди. 1991 йилдан Ўзбекистон жаҳон бозори ва дунёда рўй бераётган глобал жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Муаллиф, миллий маънавий тикланиш негизлари:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

³²Қаранг: Глобалистика. Международный междисциплинарный энциклопедический словарь. – Москва: Санкт-Петербург, Нью-Йорк, 2006. – С.164; Global Studies Encyclopedic Dictionary / ed. by A.N. Chumakov, I.I. Mazour, W.C. Gay. Amsterdam; New York, NY: Editions Rodopi B. V., 2014. – P. 79–80.

³³Global Studies Encyclopedic Dictionary / ed. by A.N. Chumakov, I.I. Mazour, W.C. Gay. Amsterdam; New York, NY: Editions Rodopi B. V., 2014. – С. 211-214.

³⁴Қаранг: Зиновьев А.А. Глобальный человек. – Москва: Алгоритм; «Эксмо», 2006. – С.22; Kegley Ch. And Wittkoff E. World Politics. Trend and Transition. – N.Y. 1999; Global Studies Encyclopedic Dictionary / ed. by A.N. Chumakov, I.I. Mazour, W.C. Gay. Amsterdam; New York, NY: Editions Rodopi B. V., 2014. – P. 40-42.

- ватанпарварлик»³⁵, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов томонидан етарли асосланган деб ҳисоблайди.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг юксалиш жараёни Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Биз ташқи сиёсатимизда узоқ ва яқин кўшниларимиз билан дўстлик алоқаларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантирамыз. Чунки: Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса – тараққиётнинг кафолатидир”³⁶ – деган эзгу ғоясида асосланган. Бу жаҳон бозор иқтисодиёти ҳар бир субъектга қатъий талаблар қўядики, ушбу талабларга мос фаолият олиб бормаслик миллий иқтисодиётни ва давлатни бошқа давлатларга, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига қарам қилиб қўяди. Шунинг учун қадим маданий ва маънавий анъаналарига эга бўлган Ўзбекистон иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун халқаро ҳамкорликни ва ижтимоий шерикликни такомиллаштирмоқда.

Муаллиф фикрича, бу жараён хориж инвестицияларини Ўзбекистонга олиб кириш билан бирга янги технологияларни ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига жалб қилишни талаб қилади. Шу боис, 2020 йилда 1 млн. дастури лойиҳаси эълон қилинди, бу эса Ўзбекистонда ҳуқуқ ҳимоясининг ошқоралиги маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятидаги муаммоларнинг ечими сифатида амал қилади.

Муаллиф глобал муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон раҳбарияти муҳим ташаббуслар билан чиқаётганини таъкидлайди. Ўзбекистоннинг энг муҳим ташаббуси Марказий Осиёни ядро қуролисиз минтақага айлантириш, дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ён-атрофни, табиатни асраш, гиёҳвандликка қарши кураш, халқаро терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш, қашшоқликни бартараф этиш кабиларни қамраб олади.

Шунингдек, Марказий Осиёда тинчлик ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “...Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда”³⁷, - деган фикри глобал тараққиёт шароитида минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган стратегик қадамдир.

Демак, бугун дунёдаги глобал жараёнлар ўзининг кўлами ва шиддати билан технократик тараққиётни ўзида намоён этади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат: ўзаро алоқадорлик диалектикаси**» деб номланиб, унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг

³⁵Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 76.

³⁶Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Том 3. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 86.

³⁷Мирзиёев Ш.М. Барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш – асосий вазифамиз // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Том 2. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 405.

фалсафий-ҳуқуқий жиҳатлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда миллий-ҳуқуқий тизимнинг ўрни, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланишида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ижтимоий моҳияти ва аҳамияти очиқ берилган.

Муаллиф, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ижтимоий-фалсафий, ҳуқуқий концепциялар, ёндашув ва қарашларни таҳлил қилган. Хусусан, инсон ҳуқуқларини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан чуқур талқин этган немис файласуфи Иммануил Кантнинг «Агар инсонга фойдали фан мавжуд бўлса, унда бу мен ўргатаётган, яъни – дунёда инсонга муносиб ўринни эгаллашни ўргатадиган фандир, - ва ундан инсон бўлиш учун ўзини қандай тутиши кераклигини ўрганиш мумкин»³⁸, деган фикрлари, шунингдек, Н.А.Бердяевнинг “Инсоннинг ўзлигини англашга, яратувчанликка, англашга бўлган куч-қудратни илғашга, умуман, бутунни идрок этиш, ҳаракат қилиш лозим”³⁹, - деган фикрига қўшилган. Н.А.Бердяев инсоннинг ижтимоий борлиқдаги, давлат, сиёсий институтлар, оила фаолияти билан боғлиқ эрк ва ҳуқуқларини ҳам “эркин рухнинг эҳтиёжи”⁴⁰ деб билади. Ушбу уйғунлик бўлмаса, яхлитликка эришилмаса шахс билан ижтимоий борлик, рух билан трансценденция, эрк билан маъсулият ўртасида “хитой девори” пайдо бўлади, эрк эрксизликка, ҳуқуқ ҳуқуқсизликка, яъни эрк ва ҳуқуқ айрим шахсларнинг зўравонлиги, бедодлиги, анархиясига айланиши тадқиқотда ижтимоий-фалсафий таҳлил этилган.

Диссертацияда Қадимги Шарқ таълимотларидаги ҳуқуқ ва ахлоқга оид мунозаралар таҳлил этилган. Чунки Шарқда ҳуқуқ ахлоқий масъулият билан боғланган. Шу нуқтаи назардан “Ҳуқуқни англаш масъулият ҳиссини ривожлантиради”⁴¹, -деган қараш ҳозир ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шарқ халқларининг тарихий-маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларида инсоннинг ҳуқуқлари Оллоҳ олдидаги масъулиятдир. Муаллиф “ҳуқуқ” инсон ҳаёти, ижтимоий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Учинчи минг йилликда Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича БМТнинг нуфузли халқаро ташкилотга айлангани, у томондан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти, мавқеи ва миллий ҳуқуқ тизимларини шакллантиришдаги устувор аҳамияти ошиб бормоқда. Айнан ушбу ташкилотнинг саъй - ҳаракатлари туфайли инсон ҳуқуқлари умуминсоний қадриятга айланди. Шу боис, “жамият ва шахс”, “давлат ва инсон” ўртасидаги муносабатларнинг мувофиқлаштирилиши глобал тараққиётнинг шартидир.

Диссертацияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда миллий-ҳуқуқий тизимларнинг ўрни асосланган. Унда глобаллашув жараёнлари умуминсоний ҳуқуқий қадриятларнинг устуворлиги билан

³⁸ Кант И. Сочинение. Т. 2. – Москва: Мысль, 1956. – С.206.

³⁹ Бердяев Н.А. Философия свободы. Смысл творчества. – Москва: «Правда», 1989.– С. 36.

⁴⁰ Бердяев Н.А. Философия свободы. Смысл творчества. – С. 37.

⁴¹ Мирзиёев Ш. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. – Б.111.

боғлиқ бўлсада, улар миллий ҳуқуқни инкор этмайди, балки миллий-ҳуқуқий тизимлар орқали ўз мақсадларига эришади, реал борлиқда объективлашади. Шунинг учун, муаллиф фикрича, глобаллашув жараёнларида миллий-ҳуқуқий тизимларнинг ўрнини ўрганиш муаммони аниқ миллий муҳит, унда амал қиладиган ҳуқуқий қадриятлар билан боғлиқ тарзда ўрганишни тақозо этади.

Диссертацияда ўзбек миллий-ҳуқуқий тизимининг умуминсоний ҳуқуқий нормалар билан боғлиқлигининг қуйидаги жиҳатлари очиқ берилган: миллий-ҳуқуқий тизимлар умуминсоний – ҳуқуқий нормалар каби зўравонликни, адолатсизликни минимал даражада камайтиришга хизмат қилади. Глобаллашув ҳам, миллий-ҳуқуқий тизимлар ҳам инсондаги, жамиятдаги яратувчанликни, кишиларнинг, халқларнинг бу борадаги ташаббусларини, саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Улар ижодий фаолиятни, жамиятни тенг ҳуқуқлик асосида модернизациялашни қўллаб-қувватлаши орқали умуминсоний қадриятларни, бойликларни шакллантирадилар.

Ҳар бир миллий-ҳуқуқий тизим бошқа ҳуқуқ тизимларидан у ёки бу ғояни, у ёки бу нормани ворисийлик асосида қабул қилади. Ушбу ҳамкорлик, яқинлик келгуси ҳамкорлик, яқинлик учун ўзига хос “плацдарм” вазифасини бажаради. Ҳуқуқ жамият ва давлатни бошқариш, кишилараро муносабатларни йўлга қўйиш механизмидир.

Глобаллашув ҳам, миллий-ҳуқуқий тизимлар ҳам гуманистик қадриятларни асрашга, ҳимоя қилишга қаратилган. Глобаллашув ушбу гуманистик қадриятларни тезроқ умумсайёравий миқёсда қарор топишига, миллий-ҳуқуқий тизимлар эса, уларнинг аниқ миллий-маданий муҳитда, локал ҳудудда қарор топишига хизмат қилади. Шу маънода муаллиф А.Саидовни «Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимини бошқа миллий-ҳуқуқий тизимлар ва халқаро ҳуқуқ билан боғламасдан ўрганиб бўлмайди. Бундай ҳуқуқий “учбурчак” умумий ҳуқуқий ҳудуд сифатида хизмат қилади. Уларнинг негизида давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини мустақкамловчи умумий интеграция жараёнлари ётади»⁴², - деган фикрига қўшилади.

Хуллас, инсон ҳуқуқларини таъминлаш Ўзбекистон миллий-ҳуқуқий тизимида инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлардаги меъёрларидан фойдаланиш халқ манфаатининг ҳимояси сифатида амал қилади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ глобал муаммоларни ҳал этиш, бу борада жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканидан далолат беради.

Диссертацияда Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш шарти сифатида намоён бўлаётгани очиқ берилган.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистонда демократик давлат барпо этиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш суд ҳокимиятини эркин, мустақил тармоққа

⁴²Саидов А. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. – Тошкент: «Адолат», 2004. – Б. 387.

айлантиришни тақозо этади. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси эса суд тизимининг ислохотларида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини албатта барчамиз яхши тушунамиз»⁴³. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита алоқадор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади. Суд-одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантикий талабидир. Ва бу, энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини таъминлаш билан алоқадордир. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги қонун устуворлигини таъминлайди, фақат одил судлов инсон шаънини, ҳуқуқларининг ҳимояси ва жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида шахснинг фаоллигини кафолатлайди.

Диссертацияда сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, фуқаролик институтлари, оммавий ахборот воситалари, давлат ва жамиятни бошқаришда қатнашиш, сайлов тизими каби демократик институтларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги фаолияти ёритилган.

Демак, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Конституцияга кўра демократик ҳуқуқий давлат куриш жамиятимизнинг стратегик мақсадидир.

Муаллиф фикрича, инсон ҳуқуқлари ўзига хос глобал муаммо бўлиб, урушларнинг олдини олиш ва тинчликни ҳимоя қилиш, дунё терроризми ва ҳарбий тўқнашувларга қарши кураш, демографик, экологик, энергетик, озиқ-овқат, маънавий кризисларнинг олдини олиш, ер курраси келажагини ҳимоя қилиш ва шу каби муаммоларни ўзида жамлайди ва интеграциялайди. Бугунги замонавий глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари институти индивидларни шунчаки катта миқёсдаги ижтимоий тизимлар билангина эмас, балки бутун Ер шарига инсоният билан боғлайди. Ушбу ўта мураккаб ва зиддиятларга тўла вазиятда инсон ҳуқуқлари ва демократик қадриятларни шакллантириш борасида тўпланган ютуқларни асраб қолиш, уларни кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф глобаллашувни айрим давлатлар ёки сиёсий кучлар кўзлаётган модел тарзида эмас, балки барча давлатлар, халқлар, этномаданий парадигмалар яратадиган умумсайёравий ижтимоий бирлик сифатида қарор топтириш йўллари излаш зарур деб ҳисоблайди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Глобаллашув шароитида ўзаро ҳамжихатлик ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари”** деб номланган бўлиб, унда миллий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш – инсон

⁴³Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 108.

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати эканлиги асосланган. Муаллиф фикрича, низолар, урушлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига катта хавф солади. Уруш ҳолатида бўлган давлатлар биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклашга мажбурдир; иккинчидан, фуқароларнинг ҳаракатлари, бир мамлакатдан иккинчисига ўтиши тўхтади; учинчидан, кишилар ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларидан воз кечиш орқали бутун борлигини ғалабага қаратишга мажбур бўладилар. Бу эса, мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи ҳарбий ҳолатни, тотал бошқаришни юзага келтиради. Жаҳон урушлари тажрибалари кўрсатдики, тотал бошқаришга ўрганган жамиятнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қайта тиклаши, демократик қадриятларни ўрнатиши жуда катта тўсиқларга дуч келади, баъзи ҳолларда ушбу давлатлар тоталитар бошқаришга қайтадилар.

Ўзбекистон Республикаси дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган халқаро ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб келади ва бу борада бир қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилган⁴⁴. Ушбу халқаро ҳужжатлар ҳуқуқшунослар томонидан универсал характерга эга меъёрлар деб аталади. Улар Ўзбекистон Республикаси тузадиган давлатлараро, ҳукуматлараро ва тармоқлараро халқаро шартномаларида асос, база вазифасини ўтайди⁴⁵. Чунки уларда нафақат тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, худди шунингдек, инсонни тинч яшаш ва меҳнат қилиш, у ёки бу томонга қўшилиш ёки қўшилмаслик каби ҳуқуқларига ва эркинликларига оид меъёрлар ҳам мавжуддир.

Муаллиф, миллий хавфсизлик халқаро минтақавий хавфсизлик билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблайди ва фикрини янгиланаётган Ўзбекистон юритаётган минтақавий ҳамкорлик билан асослайди.

Муаллиф Осиё ва Африка аҳолисининг Европа ва АҚШга миграцияси ижтимоий хавфсизликка таҳдид деб таъкидлайди. Шу боис, халқаро миграция бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш асоси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Демак, инсон манфаатлари, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш миллий хавфсизликнинг моҳиятини ташкил этади.

Диссертацияда табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экология соҳасидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аҳамияти асосланган.

